

А Ж Р И М

Тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида

2024 йил август ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи, судья М.Бахриев, судья ёрдамчиси Б.Тошпўлатовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Иштихон туман прокурорининг ёрдамчиси С.Жаниев, судланувчи С.Хусанов ва унинг ҳимоячиси – Самарқанд шаҳар “Samarqand qonun ustuvorligi” адвокатлар ҳайъатининг адвокати М.Мамасолиев, жабрланувчи Умматов Ғиёс Баҳриддин ўғлиларнинг иштирокида, судланувчи Хусанов Сардор Ҳасановичга оид 1-1407-2402/124-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Хусанов Сардор Ҳасанович, (Husanov Sardor Hasanovich) 1993 йил 8 июль Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Иштихон тумани, “Қўнғирот” МФЙга қарашли, “Каттатўқмоқ” қишлоғида яшайди, унга нисбатан “Гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 12 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 268-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини суд мажлисида атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Хусанов Сардор Ҳасанович, 2024 йил 12 май куни соат 22:30 ларда Иштихон тумани “Қўнғирот” маҳалласи ички йўлида ўзининг бошқарувида бўлган кўк рангли, “BONVI4792” русумли электромотоциклни Олма қишлоғи томон бошқариб бориб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрель кунидаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 2-боб 11-банди “д” кичик бандидаги, яъни “транспорт воситаси ҳаракатланишни бошланишидан олдин хавфсизлик камарини тақиш, мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётганда эса маҳсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари зарурлиги” деб кўрсатилган талабларини, 77-бандидаги, яъни “ҳайдовчи ҳаракатни серкатновлигини, транспорт воситасининг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклиги, тезлиги ҳайдовчига Қоидалар талабларини



бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларни ҳамда 159-бандидаги, яъни “одамларни ташиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади: автомобилнинг кабинасидан ташқарида (бортли юк ёки фургон-юкхонали автомобилларда одам ташишдан ташқари), тракторлар ва бошқа ўзиюрар машиналар, юк ташиладиган тиркамалар, тиркама-уйча, юк мотоцикллари юкхонасида, мотоциклларнинг конструкциясида кўзда тутилган жойларидан ташқарида” деб кўрсатилган талабларини кўпол равишда бузиб, бошқарувида бўлган электромотоциклни Иштихон тумани “Кўнғирот” маҳалласи ички йўли бўйлаб Олма қишлоғи йўналиши томон бошқариб бориб, ҳаракат йўналиши бўйича рул бошқарувини йўқотиб, йўл четига чиқиб кетиб, ағдарилиб кетганлиги натижасида, мазкур электромотоциклни юк ортишга мўлжалланган қисмида йўловчи сифатида кетаётган Умматов Ғиёс Баҳриддин ўғли оғир ҳаёт учун хавфли бўлган тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Каттакўрғон туман СТЭ бўлинмасининг 2024 йил 25 июндаги 453-сонли хулосасига кўра, Ғ.Умматовнинг танасида яъни, бош миянинг чап чакка тепа ва понасимон суякни ўрта чуқурчаси соҳаси эпидурал гематома билан босилиши, бош миянинг оғир даражали лат ейиши, ўнг пешона тепа соҳасига паренхиматоз қон қуйилиши, массив субарахноидал қон қуйилиши, чап чакка суягини синиши, синиқни понасимон суякни ўрта чуқурчасига ўтиши, бошнинг чап чакка соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши, бел соҳасида шилинма каби жароҳатлар мавжудлиги аниқланганлиги, улар қаттиқ тумтоқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, яъни аниқланган иш тафсилотида кўрсатилган ҳолатда вужудга келган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлар “оғир, ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳатлар” гуруҳига киришлиги, етказилиш муддати 2024 йил 12 май кунига тўғри келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи С.Ҳусанов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ярашганлиги тўғрисида ариза тақдим қилиб, ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у 2024 йил 12 май куни соат 22:30 ларда ўтиришдан кейин нарсаларни йиғиштириб, ўзининг электромотоциклга ортиб, яшаш уйига етиб олиш учун ушбу электромотоциклга ўтирганлиги, бошқарувда ўзи бўлганлиги, ёнида Мирзаев Даврон ўтирганлиги, Мухаммадиев Мехриддин, Сайфиддинов Қудрат, Сайфиддинов Илхом, Умматов Ғиёс электромотоцикл юк ортадиган жойига ўтирганлиги, йўлда кетаётганида электромотоциклни бошқарувини йўқотиб қўйганлиги ва йўл четига чиқиб кетганлиги, мотоцикл чап томони билан ағдарилиб тушганлиги, шунда ҳамма йиқилганлиги, шундан сўнг Умматов Ғиёс ўрнидан турмаганлиги, уни ёнига бориб, уни турғазганлиги, ундан сўраганларида, у яхши эканлиги, фақат маст бўлиб қолганлигини айтганлиги, шунда уни яна электромотоциклга миндириб, Д.Мирзаевни яшаш уйига олиб борганлиги, Д.Мирзаев Умматов Ғиёсни маст бўлиб қолганлиги сабабли, уйига бу аҳволда бормасин деб яшаш уйида олиб қолганлиги, ийнчалик билса, Ғ.Умматов мотоциклдан йиқилиши натижасида бошидан



жароҳат олган бўлганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Ғ.Умматов ўз кўрсатувида қуйидагиларни, яъни у 2024 йил 12 май куни соат 22:30 ларда ўтиришдан кейин нарсаларни йиғиштириб, С.Хусановнинг электромотоциклга ортиб, яшаш уйларига етиб олиш учун ушбу мотоциклга ўтирганлиги, бошқарувда С.Хусанов бўлганлиги, унинг ёнида Мирзаев Даврон ўтирганлиги, ўзи, Мухаммадиев Мехриддин, Сайфиддинов Қудрат ва Сайфиддинов Илхом электромотоцикл юк ортадиган жойига ўтирганлиги, Очилов Мансур пиёда яшаш уйига кетганлиги, Каттатўқмоқ кишлоғини бошига етганларида Мехриддин ва Қудрат мотоциклдан тушиб яшаш уйига кетганлиги, С.Хусанов, ўзи, Мирзаев Даврон ва Сайфиддинов Илхомлар С.Хусановга тегишли электромотоциклда кетганлиги, йўлда негадир мотоцикл бурилганлиги, шундан сўнг мотоцикл юкхонаси четидаги металлга бориб урилганлиги, шундан сўнг ҳушидан кетганлиги, 2024 йил 21 май куни шифохонада ҳушига келганлиги, шу ўртада нималар бўлиб ўтганини билмаслиги, ҳозирга кунда С.Хусанов ундан узр сўраб, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, С.Хусановга нисбатан унинг даъвоси йўқлиги ва у билан ўз ихтиёри билан ярашганлиги, шу сабабли ярашганликларини инobatга олиб, С.Хусановга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 268-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарларни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, судланувчи С.Хусанов ва жабрланувчи Ғ.Умматовларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Иштихон туман прокурори ёрдамчиси С.Жаниев ва ҳимоячи М.Мамасолиевларнинг жиноят ишини ярашилганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи С.Хусановнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплаганлиги, ярашув жабрланувчи ва судланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 268-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқлиги сабабли С.Хусановга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, судланувчи С.Хусановга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ҳамда гаров учун С.Хусанов томонидан қўйилган 9.097.200 (тўққиз миллион тўқсон етти минг икки юз) сўмлик “BONVI4792” русумли электромотоцикл эгасига тилхат орқали қайтарилганлигини эътироф этишни лозим топади.



Шу билан бирга, суд судланувчи С.Хусанов ва жабрланувчи Ғ.Умматовларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 268-моддаси 1-қисми билан судланувчи Хусанов Сардор Ҳасанович (Husanov Sardor Hasanovich)га оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Судланувчи Хусанов Сардор Ҳасановичга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ҳамда гаров учун Хусанов Сардор Ҳасанович томонидан қўйилган 9.097.200 (тўққиз миллион тўқсон етти минг икки юз) сўмлик “BONVI4792” русумли электромотоцикл эгасига тилхат орқали қайтарилганлиги эътироф этилсин.

Судланувчи Хусанов Сардор Ҳасанович ва жабрланувчи Умматов Ғиёс Баҳриддин ўғлиларга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан бошлаб, ўн кун ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи, судья:

(имзо)

М.Бахриев

Аслига тўғри:

